


ISSN 2181-1903

**PAXTACHILIK VA DONCHILIK**  
**ilmiy-amaliy jurnal**



**ХЛОПКОВОДСТВО И ЗЕРНОВОДСТВО**  
**научно-практический журнал**

**COTTON AND GRAIN GROWING**  
**scientific and practical journal**

№4 - сон (13) 2023

# МУНДАРИЖА

## Селекция ва уругчилик

Ачилов С.Г., Амантурдиев А.Б. F <sub>2</sub> V <sub>1</sub> беккросс гўза дурагайларидан ажратиб олинган оилаларда айрим қимматли хўжалик белгилари ва тола сифат кўрсаткичларининг шаклланиши .....	12
Xalikova M.B., Raxmonova R.B., Matyakubova E.U. <i>G.hirsutum</i> L. turi duragaylarida tola rangi belgisining shakllanishi .....	18
Амантурдиев Ш.Б., Сидик-Ходжаев Р.Т., Сабилов А.Ф. Беданинг янги Тошкент-3091 нави .....	22
Мирахмедов М.С. Гўзанинг айрим қимматли хўжалик белгиларига мутант IN <sup>1</sup> генининг таъсири .....	27
Ғуломов Ғ.Ш. Мураккаб дурагай шакллариининг чигити таркибидаги умумий госсипол миқдорини HPLC усули ёрдамида аниқлаш .....	35
Рахмонкулов С.-А., Мурадуллаев А.М., Жалолов Х.Х. Гўзанинг районлашган ва истиқболли навларининг чигит мойдорлиги .....	41
Таджибаев Б.М., Ахмедов Д.Х., Жабборов Ж.С., Ҳуронов Б.О. Мутагенез услубида олинган мутант ўсимликларда кўсак вазни белгисининг ўзгарувчанлиги .....	45
Бобоев С.Ғ., Тошпулатова Г.К. Гўзанинг туричи ва турлараро дурагайларида тезпишарлик ва тола узунлиги белгиларининг ўзгарувчанлиги .....	50
Бобоев С.Ғ., Тошпулатова Г.К., Мухаммадиева Ш.Н. Турлараро мураккаб гўза дурагайларининг вилт касаллигига бардошлилиги .....	56

## Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

Халиков Б.М., Негматова С.Т., Бозоров Х.М., Махмудов Ҳ.Ҳ. Муттасил гўза ва гўза-беда алмашлаб экишнинг пахта толасини ил йигирувчанлик, микронейр ҳамда пишиб етилганлик даражасига таъсири .....	61
---	----

## Ўсимликшунослик

Ismoilov V.I., Latipova Z.A., Tursunov Sh.N. Bahorgi javdarning maqbul ekish muddati va me'yori (Samarqand viloyati sharoitida) .....	67
Абдуалимов Ш.Х., Сулаймонова Ш.Н. Микро ва макроэлементли лебозол препаратларининг гўзани ўсиши ва ривожланишига таъсири .....	72
Алланазаров С.Р. Кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг битта кўсакдаги пахта вазни ҳамда гўза ҳосилдорлигига таъсири .....	77
Каримов Ш.А., Абдуалимов Ш.Х., Исломов Т.Ҳ. Гўзанинг тезпишарлигини оширишда стимуляторларнинг роли .....	84
Idrisov X.A., Atabayeva X.N. Mosh ( <i>Rhaseo1is aireis piper</i> ) navlarining o'sishi, rivojlanishi, don hosildorligi va sifatini o'rganish .....	90
Негматова С.Т., Халиков Б.М., Ёқубов Ғ.Ҳ., Ортиқова Л.С., Абдуназарова Ғ.А. Ноанъанавий экин - индигофера .....	95

## Умумий генетика

Наркизилова Г.Н., Мирахмедов М.С. Туричи гўза дурагайларида 1000 дон чигит вазни белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги .....	103
--	-----

## Молекуляр генетика

Kurbonov A.Y., Mamedova F.F., Jumayev S.Sh. <i>Gossipium</i> L. turkumining bioxilma-xilligini molekulyar filogeniyasi .....	107
--	-----

## Мелиорация ва сугорма деҳқончилик

Зиятов М.П., Камиллов Б.С., Махсадов Х.Э., Гаппаров С.М., Бобоқандов Ш.Р. Гўзани турли усулларда сугоришнинг ўтлоқи бўз тупроқлар сув-физик хоссаларига таъсири .....	113
---	-----

## Агрохимё ва тупроқшунослик

Нурматов Ш.Н., Шадманов Ж.Қ., Бекмуродов Х.Т. Кунгабоқар, мош ва соя экинларини ҳамкорликда парваришланганда шўрланган сахро қум тупроқлари агрохимёвий хоссаларининг ўзгариши .....	120
--	-----

## Қисқа ахборот

Табриклаймиз! .....	125
Р.Назаров, Д.Рашидова. Пахтачиликнинг илмий асослари .....	126
Р.Назаров. АҚШ пахтачилигидан .....	128
Р.Назаров, Д.Тунгушова. Сифат – ўзбек пахтасининг асосий белгиси .....	130
Илмга бағишланган умр .....	131
Рўзғори саришта, илмда тенгсиз... ..	133

## СЕЛЕКЦИЯ ВА УРУҒЧИЛИК

УЎТ: 631.511:575.127.3:631.572

F<sub>4</sub>B<sub>1</sub> БЕККРОСС ҒЎЗА ДУРАГАЙЛАРИДАН АЖРАТИБ ОЛИНГАН  
ОИЛАЛАРДА АЙРИМ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ ВА  
ТОЛА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИФОРМИРОВАНИЕ НЕКОТОРЫХ ХОЗЯЙСТВЕННО-ЦЕННЫХ  
ПРИЗНАКОВ И ПОКАЗАТЕЛЕЙ КАЧЕСТВА ВОЛОКНА У СЕМЕЙ  
ВЫДЕЛЕННЫХ ИЗ БЕККРОСС ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА F<sub>4</sub>B<sub>1</sub>FORMATION OF SOME VALUABLE ECONOMIC TRAITS AND  
FIBER QUALITY INDICATORS IN FAMILIES ISOLATED FROM  
F<sub>4</sub>B<sub>1</sub> BACKCROSS HYBRIDS*Ачилов Санжар Гелдиярович, таянч докторант**Амантурдиев Алишер Балкибаевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор*

\*\*\*

*Ачилов Санжар Гелдиярович, докторант PhD**Амантурдиев Алишер Балкибаевич, доктор сельскохозяйственных наук, профессор*

\*\*\*

*Achilov S.G. basic doctoral student**Amanturdiyev A.B. doctor of agricultural sciences, professor**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш ағротехнологиялари илмий-тадқиқот институти*

\*\*\*

*Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка*

\*\*\*

*Cotton Breeding, Seed Production and Agritechnologies Research Institute*

**Аннотация.** Беккросс чатиштиришлар асосида олинган дурагайлардан ажратилган F<sub>4</sub>B<sub>1</sub> дурагай авлодларида эртапишарлик, бир дона кўсақдаги пахта вазни, маҳсулдорлик, тола чиқими каби қимматли хўжалик белгилари андоза Гулистон ғўза навига нисбатан юқори бўлганлиги яъни, тезпишарлик кўрсаткичи андоза навда 121,0 кун бўлган бўлса, олинган беккросс дурагайларда 110,0 кундан 114,5 кунгача, яъни 6,5 кундан 11,0 кунгача эртапишарлик кузатилди. Тола чиқими андоза навда 37,1%, F<sub>4</sub>B<sub>1</sub> дурагай беккросс оилаларда О-604 – 43,5%, О-714 – 43,2%, О-716 – 42,6% эканлиги аниқланди ва андоза навга нисбатан мос равишда 5,5; 6,1; 6,4 фоизга юқори бўлди. Бир дона кўсақдаги пахта вазни андоза навда 7,1 г.ни ташкил этган бўлса, F<sub>4</sub>B<sub>1</sub> беккросс оилаларда 5,2 г.дан 7,6 г.гача, маҳсулдорлик кўрсаткичи андоза навда 137,7 г, беккросс дурагай оилаларда 137,3 г дан 191,3 г.гача бўлганлиги аниқланди. Толанинг ингичкалиги ва пишиб етилганлигини тавсифловчи микронейр кўрсаткичи F<sub>4</sub>B<sub>1</sub> беккросс оилаларда 3,9 дан 4,8 гача бўлганлиги маълум бўлди. Андоза навда ушбу кўрсаткич 4,1 ни ташкил қилди. Толанинг пишиқлигини тавсифловчи солиштирама узилиш кучи беккросс оилаларда 30,2 г.куч/текс дан 37,1 г.куч/текс гача кузатилган бўлса, андоза навида 31,5 г.куч/текс аниқланди. Дурагай оилаларда тола узунлиги 1,13-1,26 дюймни ташкил этди. Тола узунлиги андоза навда эса 1,17 дюйм бўлди. Толанинг ип йигирувчанлик коэффициенти дурагай оилаларда 150 дан 171 гача бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич андоза навда 153 ни ташкил қилди.

**Калит сўзлар:** бошланғич манба, дурагай, беккросс, оила, шўрга бардошлилик, танлов, вегетация даври, тола чиқими, бир дона кўсақдаги пахта вазни, маҳсулдорлик, тола узунлиги.

**Аннотация.** Выявлено превосходство выделенных линий гибридных поколений F<sub>4</sub>B<sub>1</sub>, полученных на основе беккросс скрещиваний, над стандартным сортом хлопчатника Гулистан по хозяйственно-ценным признакам, таким как скороспелость, масса сырца одной коробочки, продуктивность и выход волокна. Так, при

скороспелости 121,0 день у стандарта, у беккросс гибридов отмечены показатели признака от 110,0 до 114,5 дней, т.е. они были скороспелее на 6,5 и 11,0 дней. У стандартного сорта выход волокна составил 37,1%, а у семей беккросс гибридов  $F_4B_1$  (O-604 - 43,5; O-714 - 43,2; O-716 - 42,6%) отмечено превышение стандарта соответственно на 5,5%, 6,1 и 6,4%. Масса сырца одной коробочки у стандартного сорта составила 7,1 г, в то время как у семей беккросс гибридов  $F_4B_1$  – от 5,2 до 7,4 г; показатель продуктивности стандартного сорта составил 137,7 г, а у семей – находился в пределах от 137,3 до 191,3 г. Показатели микропейра, характеризующиеся тонкостью и зрелостью волокна, у семей беккросс гибридов  $F_4B_1$  соответствовали 4,8 и 3,9 единицам. Показатель этого признака у стандартного сорта был равен 4,1. Относительная разрывная нагрузка волокна, характеризующая его крепость, у семей располагалась в пределах от 30,2 до 37,1 г сила/текс, тогда как этот показатель у стандарта равен 31,5 г сила/текс. Показатели длины волокна у семей расположились между 1,13 и 1,26 дюйм при 1,17 дюйм – у стандарта. Коэффициент прядения волокна соответствовал 150 – 171 при 153 – у стандарта.

Ключевые слова: исходный материал, гибрид, беккросс, семья, солеустойчивость, отбор, вегетационный период, выход волокна, продуктивность, масса одной коробочки, длина волокна.

**Annotation.** In  $F_4B_1$  hybrid generations isolated from hybrids obtained on the basis of beccross crossbreeds, valuable farm signs such as fardiness, cotton weight in a single bosom, productivity, fiber output are higher than in the default Gulistan Hawthorn variety, i.e., the frequency indicator was 121.0 days in the default variety, while the obtained beccross durugays observed 110.0 days to 114.5 days, i.e. 6.5 days to 11.0 Fiber output template grade 37.1%,  $F_4B_1$  hybrid beccross in families O-604 (43.5%); O-714 (43.2%); The O-716 was found to be (42.6%) and the default was 5.5; 6.1; 6.4 percent higher than the variety, respectively. Cotton weight in one bosom is 7.1 g in the default variety if established,  $F_4B_1$  beccross families 5.2 g. from 7.6 g. up to, the productivity indicator is 137.7 g in the template variety, 137.3 g in beccross hybrid families-191.3 g. up to. The microneedle pointer  $F_4B_1$  beccross, which describes the thinness and maturation of the fiber, was observed in families from 4.8 to 3.9. In the default Variety, this pointer was 4.1. The specific break strength that characterizes fiber maturation is 37.1 g out of 30.2 in beccross families. observed up to strength/tex, while the default variety is 31.5 g. strength/tex determined. In hybrid families, the fiber length showed 1.13-1.26 inches. The fiber length in the default variety was 1.17 inches. While the thread spinning coefficient of fiber was from 150 to 171 in hybrid families, this indicator was 153 in the default variety.

**Keywords:** elementary source, hybrid, backcross, families, to salt tolerance, selection, vegetation period, lint percentage, productivity, ball weight, lint length.

### КИРИШ

Мамлакатимизда сув танқислиги ва шўрга бардошли, эртапишар, маҳсулдор, касалликларга бардошли, тола ҳосилдорлиги ва сифати жаҳон бозорининг талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратишда ёввойи ва рудерал шаклларнинг ноёб белги ва хусусиятларини селекция жараёнига жалб қилиш натижасида кенг миқёсдаги хилма-хилликка эришиш мумкин. Бу борада селекционер олимларнинг асосий эътибори эволюцион ривожланиш натижасида табиатда сақланиб келинаётган ёввойи ва рудерал шаклларнинг ноёб белги хусусиятларини селекция жараёнига жалб қилишга қаратилган. Бунда ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган селекция ашёларини яратишда турли дурагайлаш усуллари, жумладан политестерли топкросс чатиштириш усулини қўллаш орқали сув танқислиги ва шўрга бардошли янги донорлар ва истиқболли дурагай комбинацияларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Аммо, ғўзада қимматли хўжалик белгилари ва тола сифат кўрсаткичларининг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга селекция ашё яратишда беккросс (тўйинтирувчи) дурагайлаш йўли билан яратилган оила ва тизмаларда қимматли хўжалик ва сифат кўрсаткичи белгиларининг барқарорлашувига эришиш – долзарб ҳисобланади.

Пахта етиштирувчи давлатлар орасида мамлакатимиз шимоллий минтақада жойлашганлиги сабабли

тезпишарлик борасида қатор изланишлар ўтказилиши талаб этилади. Бу борада тадқиқотлар олиб борган олимлардан Б.П.Страумал таъкидлаб ўтадики, иккита эртапишарлик бўйича бир-бирига яқин бўлган навларни ўзаро чатиштириганда биринчи авлодда эртапишарлик белгиси бўйича гетерозис ҳодисаси юзага келади. Агар бу белги бўйича ота –она навлари бир-бирдан кескин фарқ қиладиган бўлса, F1 авлодида бу белги оралиқ ҳолда ирсийланади (Страумал, 1961).

Тадқиқотчилар Сайдалиев Х. ва бошқалар томонидан дурагайлаш асосида ёввойи ғўза турларидаги ноёб белги-хусусиятларни маданий навларга ўтказиш ва генетик жиҳатдан бойитилган, тезпишар, маҳсулдор, тола чикими ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган ҳамда турли ноқулай шароитларга бардошли бўлган бошланғич ашёлар ажратиб олиш ва уларни амалий селекция жараёнларида фойдаланиш барча қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга янги навлар яратиш имкониятини ошириш мумкинлигини таъкидлашган (Сайдалиев ва бошқ., 2015).

С.Ф. Бобоев., Ш.Э. Намозовларнинг фикрича, тезпишарлик белгиси бўйича оммавий танловни беккросс дурагайларда  $F_1$ - $F_3$  авлодларидан, якка танловни эса  $F_3$ - $F_4$  авлодлардан бошлаб ўтказишни тавсия этганлар (Бобоев, Намозов, 2007).

С.Ф. Бобоев ва бошқалар ғўзанинг тола чикими ва узунлиги белгиларини яхшилаш ва мустаҳкамлашда

белги хусусиятлари бўйича юқори кўрсаткичли маданий навлар билан беккросс чатиштиришлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир дейишган (Бобоев ва бошқ., 2020).

А. Рахимов ва бошқалар олиб борган тадқиқот натижаларига асосан шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, тезпишар, ҳосилдор, юқори тола чиқими ва тола сифатига эга бўлган навларни яратишда ота-она сифатида чатиштиришга танлаб олинган тезпишар намуналарга нисбатан асосан тола узунлиги бўйича юқори бўлиши мақсадга мувофиқдир, чунки қолган кўрсаткичлари генеологик нуқтаи-назардан бир-бирларига яқинроқдир (Рахимов ва бошқ., 2019).

Ё.И. Райимқулов ва бошқалар олиб борган изланишларидан шуни таъкидлаш мумкинки, дурагайларда дастлабки бўғинларнинг популяцияларини ўрганиш жараёнида якка танлов ўтказмасдан, юқори авлод дурагай популяциясида кенг ўзгарувчанлигини сақлаб, самарали якка танлов ишларини олиб бориш мумкин. Бу усул айниқса географик узоқ бўлган, йирик кўсақли, юқори тола чиқими ва сифатига эга бўлган навлар яратишда яхши самара беради (Райимқулов ва бошқ., 2013).

С.Эгамбердиева, Т.Сейтназарова тадқиқотларида  $F_2$  ва  $F_3$  авлод дурагайларида олиб борилган селекцион-генетик таҳлилларга кўра, қимматли хўжалик белгилари бўйича (бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони, бир дона кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги, 1000 дона чигит вазни) трансгрессия ҳолати кузатилган. Трансгрессия ҳолати кузатилган бошқа комбинацияларнинг аниқланиши, кейинги тадқиқотлар учун энг муҳим дурагайларни танлаш имкониятини беради деб таъкидлашган (Эгамбердиева, Сейтназарова, 2019).

А.Б.Амантурдиев ва бошқалар тавсияларида тола сифатини аниқлашда замонавий инновацион технологиядан фойдаланиш, яъни, Uster HVI тола классификацияси тизимига мувофиқ толанинг йиғирувчанлик коэффиценти 5 та: С (120 дан паст), В (120-129), А (130-140), А+ (140-149) ва А++ (150 дан юқори) синфга бўлинади. Демак, толанинг йиғирувчанлик коэффицентига 150 ва ундан юқори бўлганда, тола сифати ҳам юқори баҳоланади. Олимлар таклиф қилаётган ушбу услубда ғўза уруғчилиги лабораториялари уруғлик материалларининг тола сифатини баҳолашда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш ва шу орқали меҳнат ресурслари ҳамда вақтни тежаш бўлса, энг асосийси таҳлилларнинг аниқлиги даражасини ортишини таъминлайди. Буларнинг барчаси навнинг генетик тозалигини таъминлашга, пахта ҳосилдорлигининг кескин ортишига олиб келади дейишган (Амантурдиев ва бошқ., 2019).

#### МАТЕРИАЛ ВА УСЛУБЛАР

Тажриба ПСУЕАИТИ Сирдарё илмий тажриба станциясининг ўрта даражада (0.2-0.4%) шўрланган тупроқ

шароитида ўтказилди. Экиш схемаси 90x20-1. Табиий шароитда ўсаётган ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб кенжа рудерал ва ёввойи турлари ҳамда ғўзанинг АҚШ селекциясига мансуб саноат навлари асосида яратилган шўрга чидамли Гулистон, С-5707, С-5706 ва С-5709 навларини эртапишар, серҳосил, вилтга чидамли Т-2674, Т-7211, Т-374, Т-45/573 тизмалари билан политестерли топкросс чатиштириш орқали олинган дурагайларда эртапишарликни янада кучайтириш мақсадида беккросс чатиштиришлардан олинган дурагайлар тадқиқот объекти сифатида хизмат қилади. Тола сифати бўйича технологик кўрсаткичлар HVI ускунасида аниқланди. Тажрибалардан олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) услуги бўйича математик-статистик таҳлилдан ўтказилди.

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУНОЗАРА

Ғўза селекциясининг асосий вазифалари бу эртапишар, серҳосил ва бир қанча тола сифат кўрсаткичлари юқори бўлган янги навлар яратишдир.

Дурагайларда эртапишарликни янада кучайтириш мақсадида оталик сифатида қатнашган тизмалар билан беккросс (тўйинтирувчи) чатиштиришлар ўтказилди. Ажратилган  $F_4V_1$  дурагай оилаларда беккросс яъни тўйинтирувчи чатиштириш таъсири яққол намоён бўлди. Айниқса бу ҳолат вегетация даврининг (тезпишарлик) ирсийланишида кенг кузатилди.  $F_4V_1$  дурагай оилаларда тезпишарлик кўрсаткичи 110,0 кундан 114,5 кунгача бўлиб, андоза нав сифатида иштирок этган ғўзанинг Гулистон нави вегетация даври 121,0 кунни ташкил этди. Орадаги фарқ 7-11 кунгача эрта бўлди.

Тажрибада ўрганилаётган шўрга бардошли (Гулистон, С-5706, С-5707 ва С-5709) навлар вегетация даври бўйича ўртапишар бўлганлиги сабабли тестер сифатида эртапишар тизмаларни чатиштиришга жалб қилинди.

Ҳозирги кун пахтачилик жараёнида қимматли хўжалик белгилари яъни, тола чиқими, бир дона кўсақдаги пахта вазни, маҳсулдорлик каби кўрсаткичлари ғўза навининг ҳосилдорлигини белгиловчи асосий элементлари ҳисобланади.

Бу белгиларни генетик табиатини ўрганиш борасида олимларимиз томонидан бир қанча изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу белгиларни генетик табиатини ўрганган ҳолда, уларнинг авлоддан-авлодга қандай ирсийланишини аниқлаш энг асосий вазифа бўлиб келмоқда.

$F_4V_1$  дурагайларидан ажратиб олинган оилаларда тола чиқими сезиларли даражада юқори бўлди. Тажрибамаиздаги О-604 (С-5706 х Т-2674) х Т-2674; О-714 (С-5709 х Т-374) х Т-374; О-716 (С-5709 х Т-2674) х Т-2674 беккросс оилаларда тола чиқими мос равишда 43,5; 43,2; 42,6% ни ташкил этди. Андоза навга нисбатан +5,5; +6,1; +6,4% га юқори бўлди.

Бир дона кўсақдаги пахта вазни ва маҳсулдорлик

бўйича О-662 оиласи кўрсаткичи 7,6 ва 191,3 граммни, О-707 оиласида 7,3 ва 189,5 граммни ҳамда О-716 оиласида 7,3 ва 188,0 граммни ташкил этган, бир вақтда Гулистон андоза нави эса 7,1 ва 137,7 граммни кўрсатди. О-629 ва О-643 оилаларда эса андоза навга нисбатан маҳсулдорлиги анча паст, яъни 5,2 ва 137,3; 6,4 ва 142,6 граммни ташкил этди. (жадвал 1).

Тола сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар - тола микронейри (mic), юқори ўртача узунлиги (Len), солиштирама узилиш кучи, (Str), узунлик бўйича бир хиллилик индекси (Unf), нур қайтариш коэффиценти (Rd), сарғишлик даражаси (+b) ва толанинг йигирувчанлик қобиляти коэффиценти (SCI) ҳисобланади.

Ажратилган оилаларда микронейр, солиштирама узилиш кучи ва юқори ўртача узунлик кўрсаткичлари турлича кўринишга эга бўлиб, барча оилалар толаси

юқори сифатга эга эканлигини намоён қилди. Толанинг ингичкалиги ва пишиб етилганлигини тавсифловчи микронейр бўйича энг юқори кўрсаткич О-570, О-629, О-668 ларда (3,9; 4,0) ва энг паст кўрсаткич О-604, О-656 да (4,8) кузатилди. Толанинг пишиқлигини тавсифловчи солиштирама узилиш кучи бўйича энг юқори кўрсаткич О-630, О-662 да 35,1-37,1 г.куч/текс кузатилган бўлса, энг паст кўрсаткич О-592, О-643 да 30,2-30,5 г.куч/текс намоён бўлди. Тола узунлиги бўйича энг юқори кўрсаткич О-662, О-668 да 1,26 дюйм ва энг паст кўрсаткич О-598, О-629 да 1,13 дюйм узунликни кўрсатди. Узунлик ва пишиқлик модулида аниқланадиган толанинг ип йигирувчанлик коэффиценти тола сифатини баҳоловчи асосий мезондир. Толанинг ип йигирувчанлик коэффиценти бўйича юқори кўрсаткич О-630 ва О-662 ларда (171), паст

жадвал 1.

**F<sub>4</sub>B<sub>1</sub> дурагайларида ажратиб олинган янги оилаларнинг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари**

№	Оилалар ва уларнинг келиб чиқиши	Вегетация даври		Тола чиқими		Бир дона кўсақдаги пахта вазни		Маҳсулдорлик	
		кун	фарқи (+-)	%	фарқи (+-)	гр.	фарқи (+-)	гр.	фарқи (+-)
1	Гулистон (st)	121,0	0	37,1	0	7,1	0	137,7	0
2	О-570 (Гулистон х Т-45/573) х Т-45/573	114,5	-6,5	38,8	1,7	6,2	-0,9	156,1	18,4
3	О-592 (С-5706 х Т-2674) х Т-2674	110,8	-10,2	38,7	1,6	6,5	-0,6	171,1	33,4
4	О-597	110,2	-10,8	39,3	2,2	7,1	0	180,2	42,5
5	О-598	110,2	-10,8	35,2	-1,9	6,2	-0,9	158,6	20,9
6	О-604	112,1	-8,9	43,5	6,4	6,6	-0,5	172,1	34,4
7	О-610	113,2	-7,8	36,8	-0,3	7,6	0,5	188,2	50,5
8	О-615	110,2	-10,8	39,4	2,3	6,0	-1,1	151,6	13,9
9	О-620	110,8	-10,2	38,6	1,5	5,8	-1,3	148,8	11,1
10	О-628 (С-5706 х Т-7211) х Т-7211	111,5	-9,5	37,2	0,1	6,3	-0,8	157,7	20,0
11	О-629	110,4	-10,6	36,1	-1,0	6,4	-0,7	142,6	4,9
12	О-630	112,4	-8,6	33,7	-3,4	7,5	0,4	178,0	40,3
13	О-640	110,0	-11,0	34,4	-2,7	5,8	-1,3	155,2	17,5
14	О-643	110,2	-10,8	37,8	0,7	5,2	-1,9	137,3	-0,4
15	О-681	110,0	-11,0	37,6	0,5	6,2	-0,9	160,4	22,7
16	О-655 (С-5706 х Т-374) х Т-374	112,4	-8,6	35,8	-1,3	6,1	-1,0	156,9	19,2
17	О-656	112	-9,0	38,4	1,3	7,0	-0,1	179,5	41,8
18	О-662 (С-5706 х Т-45/573) х Т-45/573	110,2	-10,8	38,2	1,1	7,6	0,5	191,3	53,6
19	О-664	110,0	-11,0	38,2	1,1	7,2	0,1	184,5	46,8
20	О-668	111,4	-9,6	39	1,9	6,3	-0,8	166,5	28,8
21	О-669	110,2	-10,8	39	1,9	6,1	-1,0	159,3	21,6
22	О-707 (С-5709 х Т-374) х Т-374	110,0	-11,0	36,3	-0,8	7,3	0,2	189,5	51,8
23	О-714	110,6	-10,4	43,2	6,1	5,7	-1,4	147,6	9,9
24	О-716 (С-5709 х Т-2674) х Т-2674	110,4	-10,6	42,6	5,5	7,3	0,2	188,0	50,3

жадвал 2.

F<sub>4</sub>V<sub>1</sub> дурагайларида ажратиб олинган янги оилаларнинг тола сифати кўрсаткичлари

№	Оилалар ва уларнинг келиб чиқиши	Str -Солиш-тирма узилиш кучи (г куч/текс)	Міс-микро-нейр	UHML-юқори ўртача узунлик (дюйм)	UI-бир хиллик индекси	Rd-нур қайтариш коэффиценти (%)	+b-сар-ғишлик даражаси	SCI -ип йигирув-чанлик коэффи-циенти
1	Гулистон (st)	31,5	4,1	1,17	84,1	78,7	7,0	153
2	O-570 (Гулистон х T-45/573) х T-45/573	32,3	4,0	1,17	85,0	80,4	7,2	162
3	O-592 (C-5706 х T-2674) х T-2674	30,2	4,4	1,18	84,4	80,7	7,3	150
4	O-597	34,0	4,3	1,21	84,1	75,0	6,8	158
5	O-598	32,8	4,2	1,13	84,3	75,2	7,1	153
6	O-604	33,6	4,8	1,16	86,1	78,4	7,0	162
7	O-610	34,0	4,2	1,23	84,0	69,2	5,1	156
8	O-615	36,3	4,2	1,15	84,3	79,8	7,3	167
9	O-620	33,4	4,6	1,22	86,3	78,0	6,5	166
10	O-628 (C-5706 х T-7211) х T-7211	32,5	4,3	1,14	84,5	80,4	7,2	156
11	O-629	31,7	4,0	1,13	85,0	78,8	6,9	157
12	O-630	37,1	4,5	1,20	85,5	74,9	6,8	171
13	O-640	36,3	4,7	1,16	84,1	79,7	7,3	162
14	O-643	30,5	4,1	1,15	85,5	80,3	7,2	157
15	O-681	32,4	4,7	1,16	85,8	74,9	6,9	155
16	O-655 (C-5706 х T-374) х T-374	33,2	4,6	1,15	83,8	77,6	6,6	150
17	O-656	33,7	4,8	1,18	85,6	75,2	6,3	158
18	O-662 (C-5706 х T-45/573) х T-45/573 )	35,1	4,3	1,26	85,4	77,0	6,8	171
19	O-664	33,3	4,1	1,22	84,5	75,1	7,1	160
20	O-668	31,7	3,9	1,26	85,2	80,3	7,1	166
21	O-669	34,1	4,2	1,21	85,7	74,9	7,2	167
22	O-707 (C-5709 х T-374) х T-374 )	33,7	4,3	1,19	84,6	75,4	6,8	159
23	O-714	30,6	4,1	1,19	84,4	78,1	6,6	152
24	O-716 (C-5709 х T-2674) х T-2674)	33,7	4,6	1,17	83,6	78,2	7,5	152

кўрсаткич O-592 да (150) аниқланди (жадвал 2).

**Хулоса:** - дурагай авлодларда беккросс чатишти-ришнинг таъсири натижасида F<sub>4</sub>V<sub>1</sub> дурагай авлодлари-да эртапишарлик кўрсаткичи андоза навига нисбатан сезиларли равишда ўзгарганлиги аниқланди.

F<sub>4</sub>V<sub>1</sub> дурагай оилаларда тезпишарлик кўрсаткичи 110,0 кундан 114,5 кунгача бўлди. F<sub>4</sub>V<sub>1</sub> дурагай ои-

лаларида тола чиқими 33,7-43,5 % оралиғида бўлди.

Тола сифатининг асосий кўрсаткичларини ифода-ловчи ип йигирувчанлик коэффиценти 150 дан 171 гача бўлди. Ўрта даражада шўрланган тупроқ шаро-иtida олинган маълумотларга кўра дурагайлари-нинг тола сифат кўрсаткичлари IV-тип саноат талабларига тўла жавоб бериши аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Амантурдиев А.Б., Мирзоёқубов К.Э., Хамдамов А.К. Ғўзанинг элита уруғчилиги лабораторияларида тола сифатини аниқлашда замонавий инновацион технологиядан фойдаланиш. / AGRO ILM журнали.2[58] SON, 2019. 5-6-б.

2. Бобоев С.Ф., Намозов Ш.Э. Ғўзанинг янги кўп геномли дурагайларида тезпишарлик ва тола сифат кўрсаткичларини ўзгарувчанлиги. / Материалы научно-практической конференции «Современное состояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решения». Ташкент, 2007. 100-103- с.

3. Бобоев С.Ф., Муратов Ф.А., Амантурдиев И.Ф. Ғўзанинг турлараро мураккаб дурагайларида тола чиқими ва

узунлиги белгиларини ўзгарувчанлиги.// Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. 2020 йил №1 (79) сон. 17-20-б.

4. Рахимов А., Мирхамидова Г., Ахмедов Ж., Нуриддинов А. // Агро Илм журнали. Махсус сон- №61 Тошкент 2019.Б-12-13.

5. Страумал Б.П. Выведение скороспелых сортов хлопчатника. // Народное хозяйства Узбекистана. –Тошкент, -1961. № 7. -С. 34

6. Сайдалиев Х., Мамарахимов Б., Холиқова М. Ғўзанинг турлараро дурагайларида белгиларнинг шаклланишига тақрорий чатиштиришнинг таъсири.- Тошкент: Наврўз, 2015.116-б.

7. Райимқулов Ё.И., Абзалов М.Ф., Шермухаммедов К.К. Ғўзанинг  $F_1$  ва  $F_2$  ўсимликларида морфобиологик ва хўжалик белгиларининг ирсийланиши./ Мат. Респ. научно-практ. конф. Достижения и перспективы экспериментальной биологии растений. – Ташкент. 2013. – Б.108-110.

8. Эгамбердиева С., Сейтназарова Т. Ғўзанинг  $F_2$  ва  $F_3$  дурагайларида қимматли хўжалик белгилари бўйича трансгрессия даражаси ва частотаси таҳлили.// АГРО ИЛМ журнали 6 [63]- SON, 2019. 3-4-б.

**Муаллифлар ҳақида маълумот:**

**Амантурдиев Алишер Балкибаевич**, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти. (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй) ORCID ID <https://orcid.org/0000-0003-1289-3355>

**Ачилов Санжар Гелдиёрович**, таянч докторант. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй).E-mail: [achilovs@gmail.com](mailto:achilovs@gmail.com) ORSID ID[https:// orsid.org/ 0009-0002-5989-278X](https://orsid.org/0009-0002-5989-278X)

*Поступило в редакцию 20.11.2023*